

пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) шартномада ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугаган қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш даволатномасини тузади.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолатларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

олдиндан тўлов амалга оширилмаганда;

Энергия таъминоти корхонаси талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли нақилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олтига йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасдан бузишда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадда уларнинг ишлашига таъқиридан аралашиб ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўчирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиши, талон-тароҳ қилиши ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади.

3.16. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати баъзраф эъланиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭЭҲО ва АТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Субистеъмолчилар истеъмолчилар билан электр таъминоти шартномасини ҳудудий электр тармоқлари корхоналари розилигига асосан тузади.

3.18. Субистеъмолчиларга ўз тармоқлари орқали электр энергиясини етказиб берувчи истеъмолчилар субистеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан электр энергиясининг умумий (жами) миқдори бўйича электр таъминоти шартномасини тузади.

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган асосда шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушига мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўйиниша руҳсат этилмайди.

3.20. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолатларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбирдорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариши (ишлар бажариши, хизматлар кўрсатиши) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма